

# “ЖАРҚЎРҒОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 2-СОН БАЁННОМАСИ

Сурхондарё вилояти,  
Жарқўрғон тумани, Толачи кўчаси 35-уй

2020 йил 15 октябрь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Толачи кўчаси 35-уй, “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **13:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **13:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **14:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 5 034 990.

“Жарқўрғонпахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кузатув кенгаши томонидан 2020 йил 24 сентябрда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2020 йил 09 октябрь.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Курбанов Шамситулла Аллаевич – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи;

2.

3. Гулямов Нигматулло Кадилович – “Сурхондарё минтакавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчиси;

Йиғилиш раиси этиб “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ бошқарув раиси в.в.б. Ш. Курбанов ва котиби этиб Ш. Баратов – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини кутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни 2020 йил 12 августда бўлиб ўтган акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган санок комиссияси аъзоси Ш. Баратовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2020 йил 09 октябрь ҳолатига шакллантирилган, “Жарқўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 797 та акциядорга тегишли 5 034 990 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 588 840 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 5 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 51,42 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

1. Худайкулов Джаманазар Раджабович – жамият бош директори в.в.б.

2. Турсунов Рустам Иброхимович – жамиятнинг Молиявий масалалар бўйича директори-Бош бухгалтер.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

## КУНТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора тadbирлар тўғрисида”ги 744-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08 ва 2020 йил 02 сентябрдаги 754/01-08-сонли хатларининг ижросини таъминлаш бўйича йирик битим тузиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2020 йил 24 сентябрдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – Баратов Шаймардон, жамиятнинг иш хақи бўйича ҳисобчиси Қулмуминов Жовли Қулашарович, ходимлар хизмати бўлими бошлиғи Лутфиллаева Шоира Махмудовналар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 588 840 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибдасанок комиссияси тасдиқлансин:
  - 1) Ш.Баратов;
  - 2) Ж.Қулмуминов;
  - 3) Ш.Лутфиллаева.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 4 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 588 840 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 744-сонли қарорига асосан “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ “Termez Jaухun Cluster” МЧЖ га 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан сотилиши белгиланганлигини ҳамда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш заруриятига кўра жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Янги ташкилий тузилма хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторига асосан ишлаб чиқилганлигини маълум қилинди.

Шундан сунг, йиғилишга раислик қилувчи Ш.Курбанов, акциядорлардан жамиятнинг янги тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 588 840 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** –йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисидаги қарорининг мазмун моҳиятини ўқиб эшиттирди. Қарорнинг 1-бандига кўра пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластер худудида жойлашган 1-иловага мувофиқ пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктларининг бино ҳамда иншоотларини уларнинг ташкилотчиларига 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан баҳолаш қийматида сотиш белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда, “Жарқўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг буюртмасига асосан жамиятнинг барча мол-мулкларини баҳолаш учун махсус лицензияга эга бўлган “Baholash va Konsalting Markazi” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти билан шартнома тузилиб баҳоланди. “Baholash va Konsalting Markazi” МЧЖ томонидан “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ, жамиятга қаршли “Завод қоши” пахта таёрлов маскани барча мол-мулклари баҳоланиб бино ва иншоотлари 16 405 637 127 сўм, асосий воситалари ва товар моддий бойликлари 14 646 584 546 сўм жами 31 052 221 673 сўмни ҳамда номинал қиймати 610 сўм бўлган бир дона акциянинг бозор қиймати 6296,59 сўмни ташкил этди.

Баҳолаш ҳисоботини ҳаққонийлиги “Konservis” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти томонидан экспертизадан ўтказилиб, баҳоловчининг ҳисоботида фарқ аниқланмаган.

Шундан сўнг, йиғилишда иштирок этаётган жамиятнинг Молиявий масалалар бўйича директори, Бош ҳисобчи Р.Турсунов сўзга чиқиб, жамият мол-мулкни мулкӣ мажмуа сифатида сотиб оладиган инвестор томонидан тўланадиган пул маблағлари 5 йил муддат билан тўлаб берилишини инобатга олиб, мулкӣ-мажмуа сифатида сотиладиган бино ва иншоотларни ва асосий воситаларни сотиш тўғрисида тузиладиган шартноманинг 2.2 бандида, мулкӣ мажмуа умумий қийматининг 20 фоизи, яъни 6 210 444 335 сўмга олди-сотди шартномаси тузилгандан сўнг 1 ой муддатда, мулкӣ мажмуа умумий қийматининг қолган 80 фоизи, яъни 24 841 777 338 сўм тенг миқдордаги йиллик тўловлар, яъни 2021, 2022, 2023 ва 2024 йиллар ҳисобидан ҳар ойнинг 5 санасида 6 210 444 335 сўм миқдорида тўлаш шартини таклиф этди.

Йиғилиш раиси Ш.Курбанов Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08 ва 2020 йил 02 сентябрдаги 754/01-08-сонли хатлари билан йиғилиш қатнашчиларини батафсил таништириб ўтди.

Мурожаатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш белгиланган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 11 майдаги “Ўзпахтасаноат” АЖ ва тизимдаги корхоналарининг активлари (мол-мулк, бино-иншоот ва акция (улуш) пакетлари)ни сотишни жадаллаштириш бўйича 02/1-668-сон топшириғига биноан “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги 4-сон баённомасига асосан:

- “Ўзпахтасаноат” АЖ активлари, унинг тизимидаги корхоналар ёки уларнинг активлари (бино-иншоот, мулкӣ мажмуа, акция пакети ва улуш)ни олиш истагини билдирган инвесторлар билан музокаралар ўтказиш, уларнинг таклифлари асосида объектнинг бошланғич нархини шакиллантириш ва шу бошланғич нарх сифатида эълон қилиш (реклама қилиш) орқали кимошди савдоларига чиқариш;

- инвесторнинг мурожаатига асосан тезкор сотиш мақсадида Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан ушбу инвесторга тўғридан тўғри сотиш;

- инвесторнинг сотиб олиш таклифи бўлмаган активлар (бино-иншоот, мулкӣ мажмуа, акция пакети ва улуш)ни жамият соф активларига нисбатан ёки баланс қийматида бошланғич нарх сифатида кимошди савдоларига чиқариш белгиланган.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4700-сон қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги корхоналарнинг ипак курти боқиш иншоотларини “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги ташкилотларга тўловларни йигирма йил гача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан баланс (қолдик) қийматда инвестиция киритиш шarti билан сотиш белгиланганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг Ш.Курбанов ушбу битим Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 83-моддасига мувофиқ йирик битим эканлигини, овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар мазкур қонуннинг 84-моддаси учинчи қисмига мувофиқ жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга

бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинганда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини мазкур қонуннинг 40-моддасига асосан жамият томонидан бозор қиймати бўйича қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли эканлигини ва жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилишини маълум қилди. Бундан ташқари, акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши кераклигини ва мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олиши шартлигини айтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан мазкур масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёклаганлар” – 2 588 840 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.**

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08 ва 2020 йил 02 сентябрдаги 754/01-08-сонли мурожаатларининг ижроси таъминлансин.

3. “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ ва завод қоши пахта тайёрлаш масканининг 31 052 221 673 сўм миқдордаги бино-иншоотлари тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали “Termez Jayhun Cluster” МЧЖ сотилсин ва олди-сотди шартномаси белгиланган тартибда расмийлаштирилсин.

4. “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ ва “Termez Jayhun Cluster” МЧЖ ўртасида “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ ва завод қоши пахта тайёрлаш масканининг мулкий мажмуа сифатида сотиш бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасига тўловлар қуйидагича киритилиши таъминлансин:

- мулкий мажмуа умумий қийматининг 20 фоизи яъни 6 210 444 335 сўм олди-сотди шартномаси тузилгандан сўнг 1 ой муддатда;

- мулкий мажмуа умумий қийматининг қолган 80 фоизи, яъни 24 841 777 338 сўм тенг миқдордаги йиллик тўловлар, яъни 2021, 2022, 2023 ва 2024 йиллар ҳисобидан хар ойнинг 5 санасида 6 210 444 335 сўм миқдорида тўлансин;

5. “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ ва “Termez Jayhun Cluster” МЧЖ ўртасида мулкий мажмуани сотиш бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасини имзолаш ваколати жамият бош директори Д.Худайкуловга берилсин.

6. Акциядорларда акцияларни қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги ҳамда қайтариб сотиб олиш бўйича белгиланган нарҳи ва

тартиби тўғрисидаги хабарнома жамият томонидан мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан етти кундан кечиктирмай акциядорларга юбориш жамият бошқарувига топширилсин.

7. Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинishi тўғрисидаги ёзма талаблари “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖга мазкур йиғилиш қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши кераклиги эътироф этилсин.

8. Мазкур муддат тугаганидан сўнг “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ томонидан қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида баҳоланган бозор қийматида 1 дона акция 6 296,59 сўмда амалдаги қонун талабларига мувофиқ қайтариб сотиб олинсин.


Жамият акциядорнинг ихтиёридаги акцияларни ёзма талабига асосан сотиб олади. Ёзма талабда акциядорнинг яшаш жойи (жойлашган ери) ва унинг қайтариб сотиб олиншини талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилган бўлиши лозим. Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинishi тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан (24.10.2020 йилдан) эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олади.

Бунда Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

9. “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖнинг мол-мулки сотилиши ҳисобига ҳосил бўладиган солиқлар ўз вақтида ҳисобланиб, давлат бюджетига тўланиши таъминлансин.

10. Амалга оширилган ишлар тўғрисида “Сурхондарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ ва “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича Лойиха офисига маълумот киритиб борилиши жамият бош директори Д.Худайкуловга юклатилсин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга уларнинг иштироқи учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:  Ш.Курбанов

Йиғилиш котиби:

 Ш.Баратов



Йиғилиш баённомаси 2020 йил 24 октябрь куни икки нусхада тузилди.